

«MILLIY TIKLANISH»  
DEMOKRATIK  
PARTIYASINING IJTIMOVIY-  
SIYOSIY GAZETASI



# TIKLANISH

1995 йил 10 июльдан чика бошланди

www.mil.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



**1 OKTYABR – ЎҚИТУВЧИ  
ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

**ВАТАН ОСТАНАСИДАН  
ҚАТЛАШДАН АВВАЛ... 5**

**ЁШ БУХОРОЛИКЛАРГА  
РАҲМАТ! 5**

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ ВА ИРОДАСИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

29 сентябрь куни Тошкентда «Конституциявий ислохотларда жамоатчилик иштироки: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида халқаро конференция ўтказилиши режаланган.

Ана шу муҳим тадбир олтидан муҳбиримиз Конституциявий ислохотлар ташаббускорларидан бири – «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров билан учрашиб, унинг айна шу мавзудаги фикрлари билан кизикди.

– Алишер Келдиевич, кейинги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг Янги Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва эътибори кучайди. Бу жараёнда Халқаро экспертлар ҳам сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, конституциявий ислохотлар жараёнини диққат билан кузатаётганларини таъкидлашмоқда. Сизнингча, бундай эътибор сабаби нимада?

– Ҳақиқатан ҳам янгиланаётган

Ўзбекистонга халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътибори баланд. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги 25 йил давомида асосан тикланиш даврини бошидан кечирган бўлса, 2016 йилдан бошлаб Ҳаракатлар стратегиясига асосан сиёсий ислохотларга ҳам қўл урилди. Мамлакатда сўз ва матбуот эркинлиги тўла таъминлангач, Ўзбекистон очиқлик сиёсатини танлаган давлатлар рўйхатидан жой ола бошлади. Бу ўз тили, дини, миллий урф-одат ва анъаналарига жуда катта ҳурмат билан қарайдиган юртда қозғоғда эмас, балки амалда ислохотлар бошланганидан далолат эди.

Давоми 3-бетда



## ...ФРАКЦИЯ ҚАРШИ ОВОЗ БЕРАДИ. АГАР...

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Адлия вазирлиги вакилининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тегишли фармонлари асосида қуйидаги янги тартиблар жорий этилган.

**Ташаббускорлар қонун лойиҳаси номини ўзгартирмаслик кераклигини айтиб, буни турлича изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Фракция аъзолари эса «ўзгартириш керак», деган қатъий қарорда туриб олишди.**

Давоми 2-бетда

## 5 МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ҚАЧОН ОШИРИЛАДИ?

Кўпчилик ҳозирда ишлаётган ходимларнинг олий маълумотли бўлишида қандайдир энгилликлар бериш таклифини илгари сурди. Ҳозир марказларда фақат ҳақиқий фидойилар ишлаяпти, холос...

6



## «ЖАСОРАТИ ЖИСМИГА СИҒМАСДИ...»

1231 йил эида бир вақтлар Чингизхоннинг қуролбардори бўлган Чормаган 30 минглик қўшин билан Муғом атрофида уни қийинчиликсиз енгди. Шундан кейин Жалолиддин Майофориқин тоғларига чиқиб кетишга мажбур бўлди. У деярли ёлғизланиб қолганди.

8



СТАЛИН БИЛАН ГИТЛЕРНИНГ ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВИ ВА УЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТНИ ПОЛЬША МУЗЕЙИДА Кўрдим!

**О'ГИРЛАНГАН  
НИГО'Б**

**MAINAVOZCHILIK  
QILAYTGANLAR,  
KUZINGIZNI OCHING!**

4

**КИНО – МИЛЛАТ  
ТАРБИЯЧИСИ, «КИНОЧИ»ЛАР  
ЭСА ТАРБИЯЧИЛАРДИР.  
АММО... 4**

**ЎҚИТУВЧИЛАРГА КАТТА  
ИМТИЁЗ БЕРАЙЛИК 5**

**ДЕПУТАТ МАБЛАҒ ТАЛОН-  
ТАРОЖ ҚИЛИНГАНИНИ  
АНИҚЛАДИ 5**

**БАДИИЙ МУОЛАЖА 7**

**«У ЗОТ БИЗГА ЁЗГАНИДАН  
БОШҚАСИ БУЛМАСЛИГИГА  
ИШОНАМАН» 8**

**BARON 2  
SOG'INCH**

**КИНОИЖОДКОРЛАР НИМА  
ДЕМОҚЧИ ЭДИЛАР?**

4

**«САМАРҚАНД  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ТУРИЗМ ДАРВОЗАСИ»**

Туризм дунё иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан бўлиб, соҳа улушига жаҳон савдо хизматларининг 30, инвестицияларининг 7, глобал ялпи ички маҳсулотнинг эса 10,5 фоизига тўғри келади. Туризм дунёнинг 38 фоиз мамлакатида ҳам давлат бюджетининг асосий манбаи ҳисобланади. Иш билан банд бўлганларнинг ҳар ўндан бири ҳам айнан шу соҳада банд. Аммо 2020 йилги коронавирус пандемиясидан энг кўп зарар кўрган соҳа ҳам туризм бўлди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотига кўра, сайёҳлар ташрифи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 74 фоизга камайди. Қўрилган зарар эса 1 млрд доллардан ошди.

Давоми 2-бетда



Чоршанба  
 28 сентябрь, 2022 йил  
 №33 (1182)


Лоиҳага биринчи ўқишдан кейин 719 та тахририй ўзгариш ва аниқликлар киритилган. 93 та ҳаволаки нормалар эса аниқлаштирилган.

ПАРЛАМЕНТДА

(Бошланиши 1-бетда)

# ...ФРАКЦИЯ ҚАРШИ ОВОЗ БЕРАДИ. АГАР...



**Ж**умладан, Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг ҳудудий марказларини вазифа, функция ва ваколатлари Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказилган. Вазирлик ҳузурда эса Интеллектуал мулк маркази давлат муассасаси ташкил қилинган.

Қонун лойиҳасида Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёнида ортиқча қоғозболик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида соддалаштириш мақсадида товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни амалдаги 10 кунда эмас, 1 кунда бериш назарда тутилмоқда. Яъни, мурожаат қилинган куннинг ўзида тегишли гувоҳнома электрон шаклда берилди.

Шунингдек, янги тузилмага интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима қўллаш ваколати ҳам берилмоқда. Меҳнат кодексига ўзгариш киритилиб, Адлия органларига меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш

ҳуқуқи берилди. Умуман, юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан 18 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Фракция аъзоси Илҳом Абдуллаев қонун лойиҳасига муносабат билдирар экан, кўмитада лойиҳа атрофида муҳокама қилинган ва етарлича камчиликлар аниқланганини, иккинчи ўқишда албатта бу камчиликлар бартараф этилиши лозимлигини таъкидлади.

Нодирбек Тилаволдиев депутатлар эътиборини меҳнат кодексига киритилаётган ўзгаришларга қаратди.

– Агар бу қонун лойиҳаси қабул қилинса қарийб бир йилдан буён Сенатда ишланмаётган Меҳнат кодексига яна ўзгариш киритиш заруратини туғдирадими, – деган саволни ўртага ташлади. Ташаббускорлар эса бу масалада Сенат билан маслаҳатлашиб, бу ўзгариш яна бир бор кўриб чиқилиб, зарурат бўлмаса, иккинчи ўқишда чиқариб юборилиши мумкинлигини ҳам таъкидлади.

Йиғилишда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси энг кўп ва қизгин муҳокамага сабаб бўлганини айтиш жоиз.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан ер ости бойликларига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатлар тартибга солинмоқда. Лойиҳага биринчи ўқишдан кейин 719 та тахририй ўзгариш ва аниқликлар киритилган. 93 та ҳаволаки нормалар эса аниқлаштирилган.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Широқовнинг қонун лойиҳаси номига билдирган эътироз эса асосий муҳокамага сабаб бўлди.

– Ер қаъри билан ер ости бойликлари бошқа-бошқа тушунча. Қонун лойиҳаси билан асосан ер қаърига эгаллик қилиш, фойдаланиш каби нормалар тартибга солинмоқда. Аммо қонун лойиҳаси «Ер ости бойликлари» деб номланяпти. Бу қанчалик мантиққа тўғри келади? – деди Ж.Широқов.

Қонун ташаббускорлари бу масала биринчи ўқишда ҳам кўтарилгани, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мутахассислар билан маслаҳат қилиниб, шу ном сақлаб қолинганини айтишди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров эса ташаббускорларнинг жавобига эътироз билдириб, бу масала бежиз кўтарилмаётганига эътибор қаратди.

Қонун лойиҳасининг 137 та моддаси фақат ер қаъридан фойдаланиш масалалари билан боғлиқ. Қолаверса, «қаъри» сўзи форсча экан. Шунинг учун қонун лойиҳаси номини ўзбекчалаштириб, «Ер ости ва ундаги бойликлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси деб ўзгаришни таклиф қилмаган, – деди фракция раҳбари.

Хуллас, ташаббускорлар қонун лойиҳаси номини ўзгартирмаслик кераклигини айтиб, бунга турлича изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Фракция аъзолари эса «ўзгариш керак», деган қатъий қарорда туриб олишди.

Қарийб бир ярим соатга чўзилган муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳаси номи бўйича мутахассислар билан яна бир бор маслаҳатлашиш шарти билан маъқуллашди. Фракция аъзолари ялпи йиғилишда қонун лойиҳасининг концепциясига қарши овоз бериши таъкидланди.

Йиғилиш якунида депутатлар Халқ таълими вазири Б.Саидовга «Ешларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитиш борасида амалга оширилаётган

ишлар тўғрисида» Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Парламент сўрови»ни юбориш ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

«Парламент сўрови»да ечимини кутаётган айрим тизимли муаммолар кўтарилмоқда. Жумладан, мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг моддий-техник базасини бойитиш, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, фан ўқитувчиларини тайёрлаш, уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, амалий машғулотлар ва дала ўқув машғулотларини ўтказиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилган ишлар, шунингдек, фанни ўқитиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 10 кун муддатда ёзма равишда асосланган тушунтириш берилиши лозим.

Фракция аъзолари таълим тарбия ҳар доим «Миллий тикланиш» учун устувор масала эканини эътиборга олиб, Халқ таълими вазирига «Парламент сўрови» юбориш масаласини бир овоздан маъқулладилар.

Хамдам НИЁЗОВ,  
 партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

## ✓ Туризм

# «САМАРҚАНД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ДАРВОЗАСИ»

(Бошланиши 1-бетда)

Дунёга туризм мамлакатини сифатида танилаётган Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси ҳам пандемиядан жиддий талафот кўрди, дейиш мумкин. 2019 йилда туристик хизматлар экспортдан тушган даромад 1,3 млрд долларга етган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 261 млн доллардан иборат бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь куни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги ишлар яна бир бор таҳлил қилиниб, камчиликларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда туризм драйвер соҳалардан бири сифатида белгиланиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, сайёҳларга виза бериш энгиллаштирилди. Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилиб, яшил йўлаклар ташкил этилди. Валюта айирбошлашдаги муаммолар эса батамом ечилди. Туризм

корхоналари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари эса 90 фоизга камайтирилди. Бу йил эса туризм яна қайта тиклана бошлади. Сентябрьга юртимизга келган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайганини айтиш жоиз. Йил бошидан буён эса туризм экспорти ҳажми 926 млн долларга етди. Ички сайёҳлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллионни ташкил қилди. Йиғилишда туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб бориши, саноат ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмаслиги кўрсатиб ўтилди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки бериши лозимлиги ҳам қайд этилди. Йиғилишда туризм бўйича ҳудудлардаги ишлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Бу борада катта имкониятлар яратилгани ва улардан самарали фойдаланиш бўйича вазифалар кўрсатиб

ўтилди. Самарқандда «Буюк ипак йўли» халқаро туризм маркази барпо этилгани, эндиликда бу мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчихоналар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда «Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Давлатимиз раҳбари томонидан видеоселекторда белгиланган вазифалар ижроси ушбу соҳа ривожига масъул бўлган «Миллий тикланиш» партияси аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида бир қатор вазифалар белгиланган. Шу маънода, партия вакиллари ҳамда барча даражадаги депутатларимиз видеоселекторда белгиланган вазифалар ҳамда дастурий мақсадларимиз ижросини ўз вақтида таъминлашини назорат қилиши ҳамда туризм тарғиботи ишларида фаол қатнашмоқлари лозим бўлади.

Алижон МУХТОРОВ,  
 партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи



Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилиб, яшил йўлаклар ташкил этилди. Валюта айирбошлашдаги муаммолар эса батамом ечилди. Туризм корхоналари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари эса 90 фоизга камайтирилди.

## ✓ Кутинг!



29 сентябрь.  
 Тошкент шаҳри.  
**«ШҲТ Самарқанд саммити: Минтақавий ва халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланишга қўшилган ҳисса» мавзусида халқаро конференция.**


Халқаро экспертларнинг фикрича, Самарқанд саммити халқаро муносабатлар тизимида ўзаро ишончни тиклашга муҳим ҳисса қўшди, яқин мулоқотга, ҳамжиҳатликка асосланган давлатлараро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаш учун таянч нуқтасига айланди. Натижада энг муҳим минтақавий ва глобал масалалар бўйича мамлакатларни бирлаштириш тамойилини акс эттирувчи асосий ҳужжат - Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Келгуси сонларда

Чоршанба  
28 сентябрь, 2022 йил  
№33 (1182)

Олиб борилган ишлар натижасида ҳудудлардан 8389 та таклиф келиб тушди. Улар ишчи гуруҳ томонидан тахлил қилиниб, сараланди, умумлаштирилган таклифларнинг 192 таси эса Конституциявий комиссияга тақдим этилди.

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ



## ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ ВА ИРОДАСИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-бетда)

Шуни айтиш керакки, конституциявий ислоҳотлар ҳам ўз-ўзидан кун тартибига чиқиб қолгани йўқ. Биз парламент сайловлари даврида ҳам, юртдошларимиз билан сайловлардан кейинги учрашувларда ҳам эскирган ва бугунги кун талабларига мос келмай қолган қарор ҳамда қонунлардан воз кечиш, уларни ўзгартириш тўғрисидаги таклиф ҳамда мулоҳазаларни кўп эшитганимиз.

Шунинг учун ҳам бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар инсон кадрини улуғлаш билан бирга, унинг фаровон яшаши учун Ватанимизни иқтисодий жиҳатдан кучли ва барқарор юртга айлантиришга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда бундай ислоҳотлар давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги бош келишув саналган олий қонун – Конституциямизни ҳам янгича қарашлар асосида ўзгартириш заруратини кун тартибига қўйди. Ана шуларни эътиборга олиб, «Миллий тиввганиш» демократик партияси-фракцияси конституциявий ислоҳотларнинг ташаббускорларидан бўлди.

Шуни қайд этиш жоизки, Янги Ўзбекистон ислоҳотлари одамларнинг қарашларини, воқеликка муносабатларини ҳам ўзгартирди. Бу ниҳоятда муҳим омил. Айтмоқчиманки, янги ёки янгиланаётган сўзлари луғатимиздан бежиз жой олаётгани йўқ. Бу ўзгаришлар аввало, онгимизда, кейин хатти-ҳаракатларимизда юз берди. Албатта, 5-6 йил ҳар қандай жамиятда сезиларли ўзгаришлар учун ниҳоятда қисқа давр саналади. Шунинг учун ҳам дунё ҳамжамияти Ўзбекистондаги бу жараёнларни катта эътибор билан кузатиб борапти.

Яна бир муҳим жиҳат: хабарингиз бор, Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг лавозимга киришишга бағишланган маърузасида қизгин паллага киритилган ислоҳотлар даврида сиёсий партиялар фикри инobatга олиниши, бундай ёндашув фуқаролик жамиятини мустақамлашга хизмат қилаётгани таъкидлаган эди. Шу маънода ҳам Конституциявий ислоҳотларга доир икки йиллик фракцияси ташаббусининг қўллаб-қувватланганини сиёсий ислоҳотларнинг дастлабки натижалари деб ҳам талқин қилиш мумкин.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, янгиланаётган Конституциямиз муқаддимаси «Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи» сўзлари билан бошланапти. Бу мамлакатимизда барча миллат ва элатларни ягона ғоя остида бирлаштириш бош ғоя эканига ишорадир.

Лойиҳа муқаддимасида миллий ва умуминсоний кадрларга содиқлик масаласи ҳам эътироф этилган. Бу сўзлар амалдаги Конституцияда берилмаган бўлса-да, мамлакатимизда унга ҳар доим амал қилиб келинган. Эндиликда бу амалнинг Конституция даражасига кўтарилгани Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан қайтмаслигини аниқлатади. «Миллий тикланиш» партияси фаоллари эса ушбу йўналишдаги ислоҳотларни доимо қўллаб-қувватлаб келганлар ва бу ғояларнинг Конституция нормаларига

сингдирилишида ҳам ўзига хос ҳиссалари бор.

Маълумки, она заманимизда пайдо бўлган илк давлатчилик асослари, жаҳон ва Ислom тараққиётига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиздан қолган маданий меросга таяна бошлаганимиз жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни белгилаб бермоқда. Конституция лойиҳасида мазкур меросга жуда катта эътибор қаратилаётгани фракциямизнинг бежиз Конституциявий ислоҳотлар ташаббускори бўлмаганини ҳам кўрсатади.

**– Шу кунгача партия томонидан конституциявий ислоҳотлар борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

– Дастлаб Марказий кенгаш ва фракциянинг конституциявий ислоҳотлар масаласига бағишлаган қўшма йиғилишини ўтказиб, аҳоли ва партия электоратидан таклифларни йиғиш ва таҳлил қилиш мақсадида 6 та – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ, миллий кадрлар, ахборот ва ҳудудлар билан ишлаш йўналишларида Ишчи гуруҳларини тузиб олдик.

Кейин конституциявий ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказиш, улардан ўзларини қизиқтиратган, шунингдек, хоши-истакларига мос бўлган таклифларни ўрганиш, тўплаш учун партия ходимлари, депутатлар, олимлар, мутахассислар, таълим, маданият ва санъат намояндalarидан иборат эксперт-тарғиботчилар гуруҳларини ташкил қилдик.


Ушбу гуруҳлар орқали эса 2921 та, жумладан, 303 марта Бошланғич партия ташкилотларида, 394 мартаба аҳоли ўртасида, 651 мартаба меҳнат жамoаларида, 1573 мартаба маҳалларда очик мулоқотлар ташкил этдик. Тадбирларда 40 623 нафар маҳалла фаоллари, 2921 нафар маҳаллий Кенгашлар депутатлари, 8210 нафар партия фаоллари қамраб олинди.

«Аёллар қаноти», «Депутат аёллар клуби» ҳамда «Ёшлар қаноти» сингари тузилмаларимиз ҳам конституциявий ислоҳотларда фаол иштирок этди. «Milliy tiklanish» газетасининг ҳар сониди эса конституциявий ислоҳотлар бўйича таҳлилий мақолалар ва муносабатлар эълон қилиб борилди.

Олиб борилган ишлар натижасида ҳудудлардан 8389 та таклиф келиб тушди. Улар ишчи гуруҳ томонидан таҳлил қилиниб, сараланди, умумлаштирилган таклифларнинг 192 таси эса Конституциявий комиссияга тақдим этилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси даврида ҳам партиямиз томонидан телеканалларда 165 та лавҳалар, интервью, информацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатилди. Босма нашрларда 203 та, ижтимоий тармоқларда эса 5 992 та турли жанрдаги мақолалар эълон қилинди.

**– Кўпроқ қандай мазмундаги таклифлар келиб тушди?**



**К**онституциянинг 41-моддасида мактабгача таълим ва тарбия ҳам давлат назоратида олинаётгани бизни қувонтирди. Бундан ташқари, истеъдодли ёшларга қулай шароитлар яратиш, педагог ходимлар мақомини мустақамлаш, уларнинг шаъни ва обрў-эътибори ҳимояланиши, улар фаолиятига аралашмаслик каби ҳаётий масалаларнинг эътиборга олиниши партиямиз хайрихоҳлари томонидан илқ кутиб олинди.

– Келиб тушган таклифлар асосан миллий ва умуминсоний кадрларни, тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш, ахлоқ принциплари масалаларини кучайтиришга қаратилганини айтиш жоиз. Яна бир тоифа мурожаатлар Инсон кадрини амалда улуғлаш, айниқса, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, таълим, одамларнинг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш масалаларига қаратилди, дейиш мумкин.

Таклифларда оила, аёллар, ёшлар, гендер тенглиги билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилгандики, бу юртдошларимизнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги қарашлари кескин ўзгарганидан далolat берарди.

Кўпгина таклифларда эса инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш айрим ҳолларда оғизда бўлиб қолаётгани, қуйи бугинларда инсоний муносабатларга амал қилинмаётгани ҳақидаги фикрлар ҳам бўлди. Уларда инсон кадрини белгилловчи мазкур нормаларни нафақат ҳурмат қилиш ёки уларга риоя этиш, балки уларни ҳимоя қилиш зарурлиги, бир сўз билан айтганда, давлат бу борада ўзига мажбурият олиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, инсоннинг давлат органлари билан муносабатларида инсон омилли

биринчи ўринга чиқарилиши эътиборга олинган талайгина таклифлар келиб тушганини айтишни истардим. Яъни, инсон ва давлат ўртасида бартараф этиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлган ёки ноаниқликлар юзга келган пайтда инсон фойдасига талқин этилиши бўйича тушган таклифларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Хатто бир гуруҳ фуқаролардан чет элларда яшаётган ватандошларимизнинг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, ўқиши, тиббий хизмат қилиши билан боғлиқ таклифлар ҳам келиб тушди.

**– Ана шу таклифларнинг қайсилари қонун лойиҳасида акс эттириляпти?**

– Қувонарлиси, Конституциявий комиссияга берилган аксарият таклифларимиз қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Жумладан, 13-модда кенгайтирилиб, унга юқорида таъкидлаганим – инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзга келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар фуқаро фойдасига талқин қилинади, деган қоидалар қўшилди.

Лойиҳанинг 22-ва бошқа моддаларига шахсининг чет элларга монеликсиз чиқиб кетиши, давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ҳамхўрлик қилиши, исталган пайтда қайтиб келиши билан боғлиқ нормаларнинг киритилиши ҳам партиямиз таклифи сифатида инobatга олинапти.

Албатта, Конституцияда ҳамма таклифларни ҳам акс эттиришнинг иложи йўқ. Шундай бўлса-да, Бош Қомусимизнинг соғлигини сақлашга қаратилган бир қисмдан иборат 40-моддаси беш қисмга кенгайтирилмоқда. Мана шу нормаларда кўплай сайловчиларимизни қизиқтирган, улар томонидан билдирилган таклифлар ўрин олганини айтишни истардим.

Маълумки, партиямиз таълим ва тарбияга бош масала сифатида қараб келади. Шу сабабдан, Конституциянинг 41-моддасида мактабгача таълим ва тарбия ҳам давлат назоратида олинаётгани бизни қувонтирди. Бундан ташқари, истеъдодли ёшларга қулай шароитлар яратиш, педагог ходимлар мақомини мустақамлаш, уларнинг шаъни ва обрў-эътибори ҳимояланиши, улар фаолиятига аралашмаслик каби ҳаётий масалаларнинг эътиборга олиниши партиямиз хайрихоҳлари томонидан илқ кутиб олинди.

Яна бир мисол: анчадан бери фаолларимиз доимий равишда Конституциянинг 49-моддаси бугунги давр талабига мослаштирилиши лозимлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб келардилар. Яъни, бу моддада фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбуриятлар, деган қоида бор. Бу яхши, албатта, лекин етарли даражада эмас эди. Лойиҳага тарихий, маънавий, маданий ва табиий меросимиз давлат муҳофазасига олинаётганини мустақамловчи норманинг киритилиши партиямиз

учун катта ютуқ бўлди деб ўйлаймиз. Шунингдек, мазкур моддага «Давлат ва жамият миллий кадрларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқи маънавий ва маданий меросининг узлуksизлигини таъминлаш тўғрисида ҳамхўрлик қилади», деган норма киритилди. Бу норма ҳам кўплай фуқароларимиздан келиб тушган ва унинг қабул қилиниши кадрларимизга, меросимизга бефарқ бўлмаган барча инсонларни қувонтириши турган гап.

**– Жамиятда оила институти ва оилавий кадрларни мустақамлаш ҳам партия учун энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу борадаги таклифлар ҳам лойиҳадан ўрин олганини эшитаяпти.**

– Жамиятда оиланинг ўрни, никоҳ масалаларига аждодларимизнинг қарашлари руҳида ёндашиш, замонавий оила қандай шаклланиши ва умуман оилага муносабат тамойилларига ҳам конституциявий ислоҳотлар доирасида жиддий эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Хусусан, лойиҳада оила «жамият ва давлатнинг алоҳида муҳофазаси остида бўлади», деб аниқ кўрсатилмоқда.

Шунингдек, никоҳ масалалари тақомиллаштирилмоқда ва бу масала партиямизнинг кўп миң сонли аъзолари томонидан каттиқ туриб ҳимоя қилинганлигини таъкидлаш лозим. Лойиҳага кўра, никоҳ олдингидек, томонларнинг эмас, балки тўлақонли аёл ва эркекнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши белгилаб қўйляпти.

Болаларга бўлган эътиборни кучайтиришга қаратилган таклифларимиз сингдирилган 65-моддага эса «Боланинг манфаатлари, болаларнинг тўлақонли, жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча шарт-шарoитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидир», деган иккинчи ҳамда «Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний кадрларга содиқликни, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросидан фахрланиш тўғрисида ҳамхўрлик қилади», деган тўртинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Албатта, болалар ва ёшларга бўлган эътибор мана шундай руҳ касб этиши керак. Ана шундан биз миллий тикланиш доирасида миллий юксалишга қаратилган одимларимизни кўчайтира оламиз. Бошқача айтганда, шу йўл билангина ўрнимизни босадиган, керак бўлса, от босмаган изларни тойлар босадиган авлодни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

Партиямизнинг «Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради» деган ғояси ҳаётда ўз аксини топиши учун жамиятда мустақам ҳуқуқий макон бўлиши талаб этилади, албатта. Конституциявий ислоҳотлар эса бизга ана шундай имкониятни яратиб берапти. Бир сўз билан айтганда бундай янгиланиш ва ўзгаришлар халқимизнинг хоҳиш ва иродаси асосида амалга ошапти.

Равшан МАҲМУДОВ сўхбатлашди.



# ИСЛОҲОТ

Журабек ҳам кўра-била туриб уларнинг ёнидан бепарво ўтиб кетганига ёки «менга нима, оч қорним, тинч қулоғим» қабулига иш тутганига нима буларди?

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ҚАЧОН ОШИРИЛАДИ?

**А**хборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганиш бўйича Навоий вилояти Кенгашида тузилган ишчи гуруҳининг «Сентябрь – узлуксиз таълим ва тарбия ойлиги» доирасидаги ўрганишлари давом этмоқда. Таъкидланишича, гуруҳ аъзолари вилоят, туман ва шаҳар марказлари ҳамда таълим муассасаларидаги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганиб, марказлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган камчиликлар борлигини ҳам аниқлашган. Айрим марказлар таъмирга муҳтож, етарли даражада янги китоблар билан таъминланмаган. Китобларни сақлаш бўйича ҳам бир қатор муаммолар бор. Моддий-

техника таъминоти эса бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. – Бу муаммоларнинг барчаси бюджетдан етарли даражада маблағ ажратилмагани билан боғлиқ, – дейди партиянинг вилоят Кенгаши раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Илҳом Ражабов. – Ишчи-ходимлар билан гаплашганимизда уларнинг аксарияти иш ҳақи камлигидан нолишди. Шу боис, соҳада мутахассислар етишмаяпти. Айниқса, олий таълим муассасаларида. Кўпчилик ҳозирда ишлаётган ходимларнинг олий маълумотли бўлишида қандайдир енгилликлар бериш таклифини илгари сурди. Ҳозир марказларда фақат ҳақиқий фидойилар ишляпти, холос...



## ЎҚИТУВЧИЛАРГА КАТТА ИМТИЁЗ БЕРАЙЛИК

Давлат статистика қўмитаси яқинда энг кўп маошни банк, суғурта, лизинг, кредит ва IT соҳаси ходимлари олаётганини (ўртача 9 млн. сўм) эълон қилди. Энг камини эса ҳар галгидек ўқитувчи ва шифокорлар (2,5 млн. атрофида) оларкан. Аслида энг кўп ойлик ўқитувчиларга тўланиши керак ва бу мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Балки бугун ривожланишимиз, ўзгаришимиз жуда-жуда кийин кечаётгани шундандир. Дунё ҳавас қиладиган давлатлар Швейцарияда ўқитувчилар ойига 6200 евро, Германияда 4400 евро, АҚШ ва Финляндияда 3900 доллар олишади. Францияда ҳафталик 19 соат «нагрузка» учун 3300 евро тўлашади. Россияда 800 доллар, кўшни Қозоғистонда эса малакасига қараб 1000 долларгача тўланади. Японияда ўқитувчига вазирнинг маоши, императорнинг обрўси ва депутатнинг дахлсизлиги берилгани боис, педагоглар бугунги даражага етди. Бу давлатда ўқитувчига 4000 доллар тўлашади ва мактабларда бир ўринга 20 номзод бор. Тўғри, юртимизда ҳам ўқитувчилар ойлиги 5 йил олдингига қараганда кўтарилган. 2017 йилда ўртача 1,1 млн. сўм берилган бўлса, 2021 йилда 2,3 млн. сўмга етди. Ҳозир ҳам 5-6 млн. сўм оладиганлар бор. Лекин бунча ойлик олиш учун икки сменада ишлаш, қўшимча юктамалар олиш ва ҳатто қўшимча имтиҳон топшириш керак бўлади. Айтмоқчи бўлганим, ўқитувчиларга юқори даражада ойлик беролмас эканмиз бошқа енгилликлар берайлик. Масалан, Олий тоифали ўқитувчилар ҳар йили мажбурий тартибда сиҳатгоҳда бепул дам олсин, бепул даволансин. Уй-жой билан таъминлаш, коммунал ва кредит тўловларда имтиёзлар берилсин уларга. Ҳатто жамоат транспортида бепул юрсин. Бу бошқа тоифадаги ўқитувчиларга мотивация бўлади. Яъни, шунда ўқитувчи уз устида ишлайди, ўқийди, изланади, яъни Олий тоифа олишга интилади.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ,  
халқ депутатлари Мирзо Улугбек туман Кенгаши депутати

### ✓ Танлов!



## Ёш бухороликларга раҳмат!

Аввал хабар қилинганидек, «Миллий тикланиш» демократик-партияси республика болалар ва ўсмирлар нашрлари («Тонг юлдузи», «Класс», «Болалар спорти» газеталари, «Гунча», Гулхан» журналлари) билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёзги таътил – «Миллий тикланиш» билан!» лойиҳаси доирасида иншоҳар танловини ўтказди.

Айни кунларда танлов ғолиблари аниқланиб, уларни тақдирлаш жараёнига ҳозирлик қилинмоқда. Ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат туйғусини ошириш, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан мустақил фикр ва фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, ёзма нутқини ривожлантириш, шунингдек, ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишларига ҳисса қўшишга қаратилган мазкур танловни ўтказишга партиянинг ҳудудий Кенгашлари

томонидан турлича ёндашувлар бўлди. Қайсидир ҳудуд танлов моҳиятини тўра англаб, унинг тарғиботи билан жиддий шуғулланди, яна бир ҳудудда имкон қадар болалар билан кўпроқ ишланди. Аммо беш қўл баробар эмас деганларидек, ҳисобот учунгина ишлаган ҳудудий Кенгашлар ҳам бўлди. Шу ўринда партиянинг Ташкент, Хоразм ва Бухоро вилоят Кенгашлари томонидан мазкур танлов уюшқоқлик билан ўтказилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Тарғибот ишлари самараси ўлароқ, танловга ушбу ҳудудлар

ўқувчиларидан кўпроқ ижодий ишлар келиб тушди. Табиийки, айнан шу ҳудудлардан ғолиблар ҳам кўп бўлди. Биргина Бухоро вилоятдан 9 нафар бухоролик ўқувчининг танлов ғолиби бўлгани ҳам фикримизнинг исботи бўлиши мумкин. Куни кеча ушбу танловда ғолиб бўлган 9 нафар ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда устозлари партиянинг Бухоро вилояти Кенгашига таклиф қилинди. Тадбирда вилоят Кенгаши раиси Махсуд Муҳаммедов аввало, танловда вилоят шаънини муносиб ҳимоя қилган ғолиб ўқувчиларнинг

устозлари ҳамда ота-оналарига миннатдорлик билдирди. Фарзанди ва шогирдининг танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишида уларнинг ҳиссаси катта эканини эътироф этди. Ғолиб ўқувчиларни самимий қўллаб, уларга муваффақиятлар тилади. Бундай эътибордан руҳланган ўқувчилар эса устозлари ва ота-оналари ишончини оқлаб, бундан-да каттароқ ютуқларни қўлга киритишга ваъда бердилар.

Феруза ЖАЛИЛОВА,  
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

### ✓ Нуқтаи назар

## ВАТАН ОСТОНАСИДАН ҚАТЛАШДАН АВВАЛ...

Бугунга келиб, ижтимоий тармоқлар фикрлар, ҳатто ҳаётини муаммолар муҳокама қилинадиган очик майдонга айланди. Айни кунларда эса ижтимоий тармоқларда дунё сиёсий майдонида юз бераётган турли можаро ва тўқнашувлар, хусусан, меҳнат мигрантлари масаласи энг кўп муҳокама этилаётган мавзуга айланди.



Куни кеча икки ўзбек йигитининг ҳужжатларини Россия аэропортида базадан текшириб кўриш учун олиб кетишга ҳолатига кўзим тушиб қолди. Кутилмаганда бир бухоролик ҳамюртимиз муаммага аралашуви қисқа фурсатда ўз юрдушларига ёрдам берди. Мен Журабек исмли ана шу ватандошимизни чинакам қаҳрамон дегим келди. Чунки у айрим юрдушларимиз каби ижтимоий тармоққа биқиниб олиб, «одамларга ёрдам берайман» деб кўкрагига мушламади. Турли фискал фасод фикрлари билан жамоатчилик олдида ўзини кўрсатмади. Чунки бугун кимдир йиқилса устидан хатлаб ўтадиган ёки атайлаб бировнинг оёғидан чалиб йиқитадиганлар кўпайиб кетди жамиятимизда. Айниқса, мусофирчиликда бир инсонга кўмак бериш, мушқулини осон қилиш ҳар кимга ҳам эмас. Уйлаб кўринг, агар Журабек ҳам кўра-била туриб уларнинг ёнидан бепарво ўтиб кетганига ёки «менга нима, оч қорним, тинч қулоғим» қабилида иш тутганига нима бўларди? Рус тилини билмайдиган икки содда ўзбек йигитининг ўз билетига куйиб,

оиласи бағрига қайтиши Яратганга аён бўлиб қоларди, холос. Ёдингизда, бундан бир йиллар муқаддам мигрантлар чет элга чиқишидан олдин тилни билсин, чет элда ўз ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган даражада билим олсин дея куйиниб гапирган бир ҳамюртимиз ижтимоий тармоқда «тошбўрон» қилинган эди. Бугун эса тил билишининг фойдасию, билмасликнинг фожиясини кўпроқ Россиядаги жигарларимиз мисолида кўряпмиз. Маълумки, кейинги йилларда ташқи меҳнат миграцияси соҳаси ҳуқуқат томонидан қабул қилинаётган бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Бунда соҳага оид Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ички ва ташқи меҳнат бозорига самарали ва мақбул механизмларни жорий этиш, аҳолининг ҳозирда ишсиз қатлами аввало касб-хунарга ўргатиш, хорижий иш берувчилар билан тузиладиган шартнома талабларини мослаштириш, хорижий тилларга ўқитиш кабиларни йўлга қўйишга қаратилган, албатта. Қабул қилинган «Ташқи меҳнат

миграцияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида ҳам энг аввало, халқроқ ҳамкорлик, давлат органларининг бу соҳадаги ваколатлари, ташқи меҳнат бозорига жалб этилаётган аҳоли ҳуқуқлари, улар меҳнатини қонуний қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Шу ўринда меҳнат мигрантлари ҳуқуқларига оид бир қатор халқроқ шартномаларга қўшилиш борасида амалий ишлар бошланганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ҳаракатлар замирида эса инсон қадрини, унинг ҳуқуқлари устуворлиги нафақат мамлакат ичида, балки хориждаги ватандошларимиз қадрини ҳам улуғлаш ётади. Айтмоқчиманки, бундай масалаларда ҳамюртларимиз манфаатини чуқурроқ ўйлаган, уларнинг ҳолатини кўз олдида келтира олган кишиларни ёмонотлиққа чиқаргандан кўра, «дўппини ерга қўйиб» мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

Одина АБДУХОЛИҚОВА,  
партия Марказий кенгаши сектор мудир

### ✓ Ҳудудий кенгашларда



## ДЕПУТАТ МАБЛАҒ ТАЛОН-ТАРОҶ ҚИЛИНГАНИНИ АНИҚЛАДИ

Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгаши депутати Лазиз Ҳасанов аҳоли муҳолатига асосан «Бобур» маҳалласидаги 9 ва 16 қаватли уйлар томини таъмирлаш масаласини туман Кенгаши сессиясига киритиб, бунинг учун етарли маблағ ажратилишига эришган эди. Депутат яқинда партия фаоллари билан ажратилган маблағнинг мақсадли сарфланганини ўрганиш жараёнида талон-тароҷликка йўл қўйилган деган хулосага келди.

Бошқарув компанияси вакилининг билдиришича, маблағ белгиланган ишларга сарфланиб бўлинган. Депутат эса 9 ва 16 қаватли уйларнинг томига чиқиб, ишлар деярли бажарилмаганига гувоҳ бўлди.

Л.Ҳасанов бошқарув компаниясига 10 кун муддатда барча камчиликларни ҳал қилиш юзасидан жиддий оғоҳлантириш берди. Акс ҳолда бу иш билан тегишли идоралар шуғулланишини маълум қилди.

### ✓ Кутинг!

**«АЛОҚАБАНК» БИЛАН АЛОҚАНИ ОШИРИШ КЕРАК!**  
БУ БАНК 80 ЙИЛЛАРДАГИ ТАРТИБЛАР АСОСИДА ИШЛАЙДИ, ДЕЙИШГАН ЭДИ, АДАШИШГАН ЭКАН. «АЛОҚАБАНК» 60 ЙИЛЛАРДАГИ УСЛУБ ВА ҚАРАШЛАР БИЛАН ИШЛАРКАН...  
Келгуси сонларда



“Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамиз”.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

## ЖАСОРАТИ ЖИСМИГА СИҒМАСДИ...»

намунаси билан атрофидагиларни жасоратга ундарди. У ёв устига шердек ташланар, юқори руҳий устунлиги билан рақибларини маҳв этарди. Ҳатто, яккама-якка олишувларда ноиблари эмас, ўзи майдонга чиқарди. Унинг қалбидаги она Ватанни озод кўриш истаги ҳар қандай мол-дунёдан, ҳатто жонидан ҳам азиз эди. Жалолиддин Хоразмнинг бир қисим тупроғини саночка солиб, белига боғлаб олган эдики, унинг ҳарорати олов бўлиб, вужудини ёндирарди, шу туфайли душманлари устига олов худосидек алангаланиб бостириб борарди. Бу борада МИРЗО УЛУҒБЕК таърифи эсда қоларли. У ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарига шундай сўзларни ёзиб қолдирган: «Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай буюк жангчини кўрмаган. Бу зот шу қадар буюкки, ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам унинг олдида таъзим қилади».

Жалолиддин Мангуберди шиддатли жанглардан сўнг душманларини тор-мор келтириб, Нишопурга келди. Бу ердан у барча вилоят ҳокимларини мўғулларга қарши бирашишга даъват этди ва бир ойдан сўнг Ғазни томон юрди. Йўлда унга Хирот волийси, қайнотаси Аминалмулк 10 минг кишилик лашкар билан келиб қўшилди. У Ғазнига 1221 йил баҳор ойларига етиб келди. Бу ерда унга халаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Иғроқ, Балх волийси Аъзам малик, афғонлар сардори Музаффар малик, қарлуқлар бошлиғи Ҳасан қарлуқ келиб қўшилдилар. Уларнинг ҳар бири ихтиёрида 30 минглик қўшин бор эди. Жалолиддин Мангубердининг ўзидаги кучлар эса 60 минг суворий эди. Жалолиддин Мангуберди Қандаҳордаги Валиён қалъасини қамал қилиб турган Такажук ва Малғур бошчилигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, 3 кунлик жангдан сўнг уларни тор-мор келтириб, мингдан ортқ мўғул аскарни ўлдирилган, омон қолган қисми Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприк бузиб ташланган. Бу Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди.

Вазият эркесвар кучлар фойдасига ўзгараётган, ниҳоят, ҳал қилувчи тўқнашув фурсати етишган эди. Бу пайтга келиб Жалолиддин Мангуберди қаламравида баъзи манбаларда 90 минг, айримларида таъкидланганидек, 130 минг лашкар жамланган. Ниҳоят, Чорикор шаҳридан шимоли-шарқ томонда, Форбанд ва Панжшир дарёларининг қуйилиш нуқталаридаги Парвон текислигида 1221 йил баҳор кунларида икки рақиб юзма-юз бўлди. Жангнинг тақдирини Толиқонда кўним топган Чингизхон ҳаяжон билан кузатиб турарди. Мўғуллар Турон тупроғидаги мислсиз талотўм ва горатга тўла юришлари давомида бунчалик уюшган катта кучга дуч келмаган эдилар. Тўлихон (баъзи манбаларда Шиги-Кутугу – Чиги-Хутуху) бошлиқ мўғул қўшини зир титраб турарди. Жанг уч кун давом этган. Сурон бошлаши билан қалби нафратга тўла Жалолиддин ҳаммадан олдин от кўйиб, рақиб кучларини ёриб ўтди ва душман-

нинг байроғини қўлга кириштириб, тупроққа қориштириб, тегиб-топтаб ташлади. Бу ҳол кўшинга катта далда бўлди, ҳамма ёв устига яшиндек от қўйди. Парвон жангида Жалолиддин қўшини тўла ғалабага эришди. Ёвнинг асосий кучлари кириб ташланди, душмандан шафқатсиз қасос олинди. Унда рақиб лашкар-бошиси Тўлихон ҳалок бўлди. Шихобиддин Насавий уни Чингизхоннинг ўғли дейди. Айни кунларда жалолиддин йигирма икки ёшда эди.

Бу мағлубият мўғулларнинг Турон тупроғига қадам қўйгандан бери энг катта ўқотиши эди. Шу билан душманнинг куни битгандек, ватан тупроғи озод бўладигандек туюлган эди, лекин тарихларда қора ҳарфлар билан ёзилган бир воқеа содир бўлди. Инсон танасида пайт пойлаб ётадиган молпарастилик қутқуси бош кўтарди, ўлжалар қаторидаги учқур дулдўлни таллашиб, икки қавм вакиллари ёқаллашиб қолишди. Афсуски, Жалолиддин ўз яқинлари – туркийларга танбеҳ бермади, бундай муносабат эса

га қулиб боқди: ёвуз босқинчи омон қолди. Синд дарёсининг Нилоб кечуви бўйида жанг мурасасиз давом этди. Дарё қонга тўлиб оқди, деб ёзади муаррих. Афсуски, кучлар нисбати душман фойдасига ишлаётган, бу ҳол Жалолиддинга ҳам аён эди. У бор имкониятини ишга солиб, ёв билан шердек олишди. Барибир тақдир ёзуғи шафқатсиз эди. Отини сакратиб, қирғоққа омон чиқиб олган ва мардона тарзда қилчинини силкитиб, «Ҳали кўрасан!» дегандек душманга таҳдид қилган Жалолиддин чўлга чиқиб кетди. Чингизхон Жалолиддин Мангубердининг бу жасоратидан ҳайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!», деган экан. Эндиликда Чингизхон ўзига тенг рақибга дуч келганини яхшигина тушуниб, Жалолиддиннинг катта куч тўплашига халақит бериш учун барча чораларни кўради. Жалолиддин эса оқибатни уйлаб, 4 мингга яқин суворийсини дарёдан ўтказган эди, энди уларни топиш, бирикиб, қисматнинг янги кўргуликларига шай бўлиш лозим эди. Шу билан Жалолиддин Мангубердининг Ватан озодлиги йўлидаги

суддин Элтутмишдан олган кўшимча куч билан Жалолиддин Мангубердига қарши жанг қилади, бироқ мағлубиятга учрайди, унинг хазинаси, қурол-яроғлари ўлжа тушган. Жалолиддин Мангуберди Хиндистонда ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб қилади, унга тобе ҳинд мулкларидан унинг исми хутбага қўшиб ўқилган. Бироқ вазият борган сари мураккаблашиб бормоқда эди. Элтутмиш, Кубача, шунингдек, Хиндистоннинг бошқа вилоят ҳокимлари ўзаро тил бириктириб унга қарши иттифоқ тузмоқчи эканликлари аён бўлиб қолди.

Исфохонга келганда аҳоли уни катта тантана билан қутиб олади, қўшинин қурол-аслаҳа билан таъминланади. Бу ҳол Жалолиддин Мангуберди унга совға-саломлар билан мирохур Одекни элчи сифатида жўнатган ва ўзаро низони тинчлик билан ҳал этган. Қўшин бошлиқлари Жалолиддин Мангуберди томонига ўтган. 1225 йил майда Мароға шаҳрини жангсиз қўлга киритилади. Дамашқ, Эрбил

Жалолиддин ибн Аловуддин буюк саркарда сифатида Муҳаммад Ануштегиний сулоласининг шонли вакиллари билан бўлиб, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг катта ўғли эди. У 1198 йил ноябрда Хивада дунёга келган. Унга ўз даврининг машҳур аллома-си Нажмиддин Кубро араб тилидаги «буюк» сўзидан олиб, Жалолиддин исмини нисор этганди. Онаси – Ойчак туркман қанизакларидан бўлган. Жалолиддин бурнида холи (менг) бўлгани учун дастлаб «Менгбурни» деб аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб, «Мангуберди» номи билан машҳур бўлиб кетган (аниқроқ айтганда, улуг ижодкор Мақсуд Шайхзода ўз асарига биринчи марта қўллаган).

Жалолиддин вояга етгач, отаси уни Ғазна, Бомийён, Ғур, Буст, Тақнобод, Заминдовар ва Хиндистон ҳудудларига бундан ерларда ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган. Бироқ саройда катта мавқега эга бўлган малика Туркон хотун ва қипчоқ амирларнинг қатъий норозилиги сабабли укаси Қутбиддин Ўзлқошқоқ фойдасига ворисликдан маҳрум этилади. Жалолиддин отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалиқ қобилиятларини анча эрта намойиш этганди.

Жалолиддиннинг ҳаёти кўп қисмида тўла тўла бўлди, уни, аввало, тахт ворислигидан маҳрум этишди, кейин эса улуг мақсад – Ватан озодлиги ғоясини тушуниб етган ва шу оламшумул сайёҳаракат йўлида уни кўп қисмида қувватландирган тарафдорлар кам топилди. Душман кучини синдириб, ўзи якка муҳораба майдонига чиққанда ҳам унинг ёнида турувчилар жуда озчилик эди. Ҳатто, вазият танг келиб қолганда тузашган оға-инилари Оқшоҳ ва Қутбиддин Ўзлқошқоқ кўллаб-қувватладилар, бунинг ўрнига акаларига қарши шафқатсиз кураш олиб бордилар.

Жалолиддин улуг мақсади йўлидаги муҳорабаларда кўп қисмида манфаатлар исканжасида қолди, ишонган саркардалари ўлжа таллашиб, бир-бири билан ёвлашиб кетди, баъзи ноиблари унинг иродасига зид равишда оддий одамларга зулмини кучайтирди, бу ҳол эса халқнинг маълум қисмини унга қарши бош кўтаришлариغا олиб келди. Баъзан туркий қавмларнинг ўзаро тил топиша олмаглиги ҳам кучларнинг умумий душманга қарши бириштиришга монеълик қилди.

Ана шундай катта-кичик зиддиятлар таъйиқда фаолият олиб борган Султон ўзининг оташин ватанпарварлиги томиридан куч олган жасорати билан ақидага ай-

ЖАЛОЛИДИН МАЙФОРИҚНИ ТОҒЛАРИГА ЧИҚИБ КЕТИШГА МАЖБҮР БҮЛДИ. У ДЕЯРЛИ ЁЛҒИЗЛАНИБ ҚОЛГАНДИ. ТАҚДИРИ ЭСА ЙҮЛЛАРАДАГИ ТАЛОНЧИЛАР ҚҮЛИГА ТОПШИРИЛГАН ЭКАН. ЙҮЛТУСАР ҚУРДЛАРДАН БИРИ БЕЛИДА ҲАМЕНИ КҮРИБ, ОЛТИН БИЛАН ТҮЛА ДЕГАН УЙДА ОРҚАДАН НАЙЗА САНЧАДИ. ҚОЛБУКИ, У ХОРАЗМ ТУПРОҒИ ЭДИ!

унинг қўшинидаги халажлар, ғурлар, афғонларни ғазаблантирди. Оқибатда, улар ўзларининг иззат-нафслари камситилгандек ҳис қилиб, Жалолиддин қўшинини тарк этишди. Сайфуддин Иғроқ, Аъзам малик ва Музаффар маликлар бўлиниб кетдилар. Жалолиддин Мангубердининг ёнида фақат қайнотаси Аминалмулк ўз лашкари билан қолди, холос.

Албатта, ҳаракатлари давомида нуқул зафар кучиб келган, Турон тупроғини истаганча топтаган Чингиз қўшинлари Парвондаги мағлубиятини жавобсиз қолдирмасди. Босқинчилар жиддий тайёргарлик билан қарши юриш бошладилар. Бу сафар кўшинга Чингизхоннинг ўзи қўмондонлик қиладиган бўлди. Жангнинг ачиқ кинояси шунда эдики, айни пайтда Жалолиддин лашкари бўлиниб кетган, демак, заифлашган, бироқ шу ҳолда қутирган ёвга рўбару бўлишга мажбур эди. Ёв вазиятдан фойдаланиб, жаддаллаб келарди. Ғардиз қалъаси яқинида душман қўшинининг илғори тор-мор келтирилди, ammo Жалолиддин кучи озлиги сабабли Синд дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолиддин Мангубердини дарёдан ўтишига имкон бермай қуршаб олади. Ниҳоят, 618-йил шаввол ойининг 8-куни (мелодий ҳисоб билан 1221 йил 8 декабрь) чоршанбада Синд дарёси қирғоқларида ҳаёт-мамот тўқнашуви юз берди.

Жалолиддин ўз одатича ёв қўшинининг қалбига бостириб борди, ҳимояни парчалаб ташлаб, Чингизхон билан қарий рўбару келди. Бу лаҳзаларда омад Чингизхон-

умрининг охиригача давом этган сарсонлик ҳаёти, изтиробли ва жанговар кунлари бошланди.

Орадан кунлар ўтгач, ҳозирги Покистон давлати ҳудудларида жон сақлаб турган қасоскорлар қўшини сони 7 мингга етди. Унга Қўлбарс баходир, Кабқуш ва Саъиддин Али аш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз кишилари билан келиб қўшилди. Жалолиддин нотаниш чўлларда оч, жудур кийимли жангчилари билан саргардонликда қолди. Унинг бу ҳолидан фойдаланмоқчи бўлган маҳаллий ҳукмдорлар ҳам унга таҳдид қилиб туришарди. Жумладан, Шатра вилояти рана (шоҳ)си уларга ҳужум қилган. Жалолиддиннинг мерганлик билан отган камон ўқидан рана ҳалок бўлади, қўшини эса пароканда бўлиб қолади. Хоразмликлар катта ўлжани қўлга киритишади.

Бу ғалабадан сўнг Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешавор ҳокимлари, шунингдек, Носириддин Кубачанин Нандана ва Сақундаги ноиб Қамариддин Қирмоний ҳам Жалолиддин Мангубердига ўз хайрихоҳлигини изхор этиб, совға-саломлар жўнатган. Жалолиддиннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ёв-лашиб қолган, ундан ажралиб кетган амирлардан Санжоқон хон, Элчи паҳлавон, Ўрхон, Соийрча, Текжорук Хонкишилар ўз лашкарлари билан келиб қўшилдилар. Жалолиддин Мангуберди Қалор шаҳри, Паросравар, Тарнуж қалъаларини қўлга киритди. Мулкларининг катта қисмидан ажралган Кубача 10 минг отлик қўшини ҳамда мамулқлар сулоласидан бўлган Деҳли султони Шам-

ҳокимлари у билан иттифоқ тузишга рози бўладилар.

Ҳинд заминидан наҳот излаб, уч йилдан кўпроқ овора бўлди. Ниҳоят, етарлича қувват тўплагач, унинг Кавказ, Форс ва Мисрдаги юришлари бошланди, Султоннинг ҳаракатлари йўналишида Мароға, Табриз, Тифлис, Рай, Ганжа сингари шаҳарлар турли даражада из қолдириди. Гоҳ мағлуб бўлди, гоҳ зафар кучди, тақдирнинг минглаб ўқиллари дуч келди. Шу тахлит қарий ўн йил унинг номи душманлар юрагига кўркув солувчи ҳайқирки, эрк истаганларга олға бошловчи даъват бўлиб, уч қитъанинг кесгиша ҳудудларида мағрур янгради. Жалолиддинни тақдир зиддиятлари турли кўргуликларга рўбару этди. У баъзан мардоналиги туфайли душманлари эътирофига сазовор бўлди, баъзан қондош инилари унга қилч кўтаришди, шундай ҳаёт ичида умргузаронлик қилган Султон нажотни фақат Яратгандан, деб билди. Унинг тамғасига «Ердам фақат ағона Аллоҳдандир», деган сўзлар ёзилганди.

Тарозининг шайини қуйига эгилган, ҳаёт унга вафо қилмаётган эди. Умумий ёвга қарши биргаликда курашишни тақлиф қилиб, Қўния султони Алоуддин Қайқубод, Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашроф Музафариддин Мусо, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Ис ва Миср ҳокими ал-Малик ал-Комил Муҳаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга қарши курашиш йўлида бириштириш борасидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Устига устак Алоуддин Қайқубод



Алишер Навоийнинг «Ҳамсатул мутаҳаййирин» асарини топиб ўқиб, Жомий билан Навоий ёзишмаларида тилга олинган ҳаттот воқеаси сабаб Жомийнинг хати хунук бўлганлигини билиб олганман.

# ХОТИРА



мухолиф кучларни Жалололидин Мангуберди қарши бирлаштиришга муваффақ бўлди. Алоуддин Қайкубот билан вазият «Икки қилич бир қинда сиймайди» қабилида бўлди: туркий ҳукмдорлар бир-бирларини тан олмадилар.

Ана шундай бухронлар ис-канжасида порлоқ орзулар кунпаякун бўлиб борди, унинг тарқок кўшини мўғулларнинг сиқувига дош бера олмади. 1231 йил ёзида бир вақтлар Чингизхоннинг қуролбардори бўлган Чормаган 30 минглик кўшин билан Муғом атрофида уни қийинчиликсиз енгди. Шундан кейин Жалололидин Майофорикун тоғларига чиқиб кетишга мажбур бўлди. У деярли ёлғизланиб қолганди. Тақдир эса йўллардаги талончилар қўлига топширилган экан. Йўлтўсар курдлардан бири белида ҳамённи кўриб, олтин билан тўла деган ўйда орқадан найза санчади. Ҳолбуки, у Хоразм тўроғи эди!

олим ва адибларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни янги асарлар яратишга рағбатлантиришимиз лозим», деган таъкидлари дастурий аҳамиятга эга.

\*\*\*  
Ҳақиқатан, Султон Жалололидиннинг қахрамонликларга тўла ҳаёти ёшлар учун ҳақиқий жасорат мактабидир. Тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил қиладиган бу жасоратнома ҳамон қалбларни тўлқинлантириб келади. Бу ҳақда ўйлаганимда, 5-ёки 6-синфдалиқ пайтимда В.Ян(овский)нинг «Чингизхон» романини ўқиганимдан мутаассир бўлиб, рўй берган бир ҳолат эсимга тушаверади. Асарнинг энг таъсирли саҳифаси – Нилоб дарёси бўйидаги жанг ва Чингизхоннинг эътирофини мутулаа қилиб, титроқ ичида қолдим ва китобни ёлдим-да, кучли хаяжон туфайли қизғалдоқ ранг муқовадаги сўзларни кириб ташладим ва сиёҳ билан қалин қилиб «Жалололидин», деб ёзиб қўйдим. Гўё китоб ана шу шерюрак Турон баҳодирининг номи билан аталиши тўғри бўларди (бу «қайта номлаш»дан кейин мактаб кутубхонасига «Жалололидин» деган китобни топшириш муаммо бўлган...). Агар китоб ўқишдан таъсирланиш туйғуси бор бўлса, ростдан ҳам ҳеч ким дарё бўйидаги ҳаёт-мамонт жанги ва қирғоқдан тўлқинга отда сакраб, душманидан кутулиб кетган марднинг жасоратига тан бермаслиги мумкин эмас эди. Мен йиғлаб, қахрамоннинг номини ёзганман. Уша туйғу кўнглимни нукул эзгу юмушларга эш этади.

Жалололидин Мангубердининг ҳаёти миллимиз тарихининг олтин ҳалқаларидан биридир. Ҳали бу жасоратга тўла ҳаётнинг очилмаган қирралари, ошкор бўлмаган сирлари кўп. Умуман, тарихий мавзудаги, жумладан, Жалололидин Мангуберди ҳақидаги турли даврларда турли муаллифлар томонидан яратилган манбалар билан танишсангиз, уларни тушуниш осон эмаслигини ҳис этасиз: бир воқеа ёки давр тасвири, жой ва кишилар номлари турлича шарҳланган, ёзилган. Қайси бири ишончли – ажратишга бош қотади. Шунинг учун аллақачон бундай муаммоларга чек қўйишнинг амалий чораларини кўриш фурсати етишганди. Янги асарлар ёзилаёпти, янги талқинлар юзага келаяпти, муаммо эса чуқурлашиб кетаяпти. Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, «Жалололидин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби улуг аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим. Айни вақтда бу борада фидойий



# БАДИИЙ МУОЛАЖА

М

ен доим устозим ҳақида ёзишга ҳаё қилганман. Аниқроғи, кўрққанман. Чунки Матназар акага муносиб сўзни топиб айтиш доим мушкул бўлган. Жуда қийин. У кишини бу дунёнинг одами эмас, десам, ҳозир чиндан бу дунёда эмас. Сўфий шоир десам, яна ошириб юборяпти деган ҳаёлга боришингиз мумкин. Бироқ бу ерда ҳеч бир оширма йўқ. Ота-онамдан кейин ҳеч қандай камчилигини кўрмай яхши кўрганам, ҳар бир ўғитида бажаришдан бўлак чора йўқлигини англаганим ягона инсон – устоз Матназар Абдулҳаким эди. Устозни 1994 йилларда таниганман. Қишлоқ мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардим. Бир неча бор 40 километр йўл босиб Урганчга устозни кўришга борганман. Аммо учрашмай қайтганман.

Биз учун Матназар ака фақат адабиётнинг эмас, бу дунёнинг ойинаси эди. Онам оддий бир ўзбек аёли монанд фикрлаб, ҳар гал Матназар аканинг олдидан келсам, устозингга айтиб, шеърларингни у-бу газеталарда чиқаришга ёрдам берсин деганлариди: «Ойи, мен Матназар аканинг олдига бориб, шеърим газеталарда чиққанидан кўра кўпроқ нарса олиб келаман. Қолаверса, мен у кишининг олдига шеър чиқартириш учун бормайман» деганимни эсламан. Ҳақиқатан ҳам, устоз билан суҳбат менга бир асар ўқигандек, маънавий мадад берарди, ижодга руҳлантирарди.

Бир сўз билан айтганда, устоз прототип эди: Ҳаётнинг, адабиётнинг, ҳалолликнинг, ҳақиқатнинг, асл Инсоннинг прототиби... Унинг ҳаёти овоз чиқариб ҳаёл сурадиган даражада тоза эди. У киши бу кир-ланиб бораётган оламда, авлиёлар сифатини ўзида кўтариб юрган, XX асрнинг сўз пири эди. Эҳтимол, дунёнинг қайсидир бир бурчагида Матназар ака каби одамларга нормал шахс ўлчами билан қаралар, бироқ бизнинг ўзбекча психологиядаги одамлар учун Матназар Абдулҳаким шахси ботиний бир дахони яратади. Устоз хокисор файласуф бўлган, дейман доим. Танқидлари шундай эдики, айтган камчилиги у кишининг оғзидан тушгач, фазилатдек кўрина бошларди. Сўзин алдамасди. Калом – илоҳий нутқ эди устоз учун.

Ўқитувчилик қилган йилларим орзуларим осмонининг бу қадар пастигидан минг фиғон чекиб, қишлоқ мактабда бир афтода ҳол кезиб юрганман. Бу йиллар мен учун шу қадар қоронғи эдики, ўша зулматдан ёруғ оламга очилган битта дарча бор эди: Матназар аканинг мактублари. 5-10 кун оралаб келадиган мактубларда Матназар ака гоҳ ҳазрат Навоий шеърларидан, гоҳ рус адабиётидан ғойибона дарс ўтарди. Навбатдаги хатларидан бирини олганимда онам касал ётганди. Мен хатни очиб, онамга овоз чиқариб ўқиб бердим. У хатда Александр Блок шеърларидан бири

тахлил қилинганди. Матназар ака шеърятига ва рус адабиётига ихлоси баланд бўлган онам шу мактубдан сўнг анча тузалиб, оёққа турганди. Сўзнинг чексиз қудратига тавсиф эди бу ҳолат. Қолаверса, ҳали икки қатор шеъри тан олинмаган бир шоирага мактуб битиб ўтиришни унча-мунча шоирлар ўзларига эп кўришмаса керак, балки вақтларини қизганишар... Билмадим, лекин негадир барча ижодкорлар устозимдек ёки у кишига яқинроқ руҳият эгалари деб тасаввур қилганман. Кейинчалик бундай эмаслигини, ҳар бир ижодкорнинг ўз дунёси борлигини, ҳамма ҳам устозимдек бағрикенг бўлолмаслигини тушунганман. Матназар аканинг Қуввайи ҳофизаси мени муҳом ҳайратга соларди. Хотира майдони энг кучли сақлаш ускуналаридан ҳам қувватлироқ эди, дейману тўхтаيمان. Чунки устозимнинг хотира кўламини аллақандай темир матоҳ билан солиштириш устозга эмас, ўзимнинг фикрлаш тарзини учун зулмдир! Устозим Фузулий, Навоий, Бедил, Ғафур Ғулум, Асқад Мухтор сингари адабиёт аҳлининг ижод намуналаридан, Усмон Носир таржима қилган «Демон» достони, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Татьяна моноллари соатлаб ёд айтирдилар. Ва буларни ёд билишим шартлигини айтмай туриб, ўқитиришардим. Устозим юксак даражада илм эгаси бўлган ҳолда илмидан ҳеч қачон кибрланганини, моддий дунё ашёлари билан мақтанганини кўрган эмасман. Дўрмон Ёзувчилар меҳмонхонасига тез-тез келардилар. Дўрмонда яшайдиган халқ ёзувчиларидан бири Матназар акага ҳар гал келганида бир саволни берар экан: «Ҳа, Матназар, Хоразмда гўшт неча пул, картошка қанча, гуруч-чи?» Устозим эса: «...ака, мен гўштни нархини билмайдиган даражада бахтли одамман», деган эканлар. Матназар ака, бу гапларни сўзининг безағи учун айтмагани аниқ. Улар чиндан ҳам бу дунёнинг арзимас ташвишлари билан алоқани узган одам эдилар. Биласизми, биз ўзини чин маънода адабиётга

бахш этган шоир сифатида кўпинча Рауф Парфини эталон қилиб оламиз. Баязида, шахсияти, адабий фаолияти намойишкорона ошкор бўлмаган шоирлар борлигини эслашга келганда эса фикрий танбалликка берилмайди. Мен эса Матназар Абдулҳакимни ҳам ижод оламида яшаган, адабиётни қалб қўрига айлантирган, бу оламдан ташқаридаги ҳаётни тан олмаган шоир, таржимон, олим сифатида ҳамма-ҳамма билишини, яқиндан танишини истайман. «Ундай қилма деб эмас, ундай бўлма», дея беозор насиҳат қиларди устозим. Мактуб ёзаркан, бадхатлигини Жомий ҳазратга менгазганди. Шу боис, Алишер Навоийнинг «Ҳамсатул мутаҳаййирин» асарини топиб ўқиб, Жомий билан Навоий ёзишмаларида тилга олинган ҳаттот воқеаси сабаб Жомийнинг хати хунук бўлганлигини билиб олганман. Ҳар бир ҳолатга, ҳар бир воқеаликка асарлар орқали мисоллар келтириш Матназар акага хос адабий тарбия усули эди. Сўзларни ушлаб кўрарди, тинларди, маъносига, оҳангига ошиқ бўларди. У киши ҳазрат Навоийнинг «Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маъна қалқиб-қалқиб сузиши ботинингизни муттасил тўлқинлантиради. Шоирнинг титроқлари шеърга юқади.

Матназар аканинг шеърятини ва шахсиятидаги биллур боғичлар кўнглининг бойланган тугунларини ечиб юборади. Ва шеър билан кўнглимизни муолажа қилишга киришади. Зотан, бу гуллар димоғимизни қалқитганидек дилни орзиқтирувчи бир бадий муолажадир.

Гўзал БЕГИМ



Устоз кимлигини билмай туғилдик, Ҳаёт ўргатади билмасдан тиним. Секин-аста устозни қадрлаш билдик, Демак, ҳаёт ҳам бир устоз, муаллим. Демак, устоз – Отам, гоҳида Онам, Гоҳида суянчим, меҳр устуни. Қоронғи тунимни ёрутгувчи шам, Гоҳида юпанчим, қайғурган куним. Шундан юрагимда уйғонар ҳислар, Кўнглингизга меҳрим янада ортиб. Чорлаб тураверар мафтункор ислар, Устозим томонга тобора тортиб. Ҳар ким ҳам улуглар эҳтиромини, Кимдир шогирд бўлиб, ким эса фарзанд. Мен ҳам эъзозлайман мудом номини, Устоз меҳри дилга умрбод пайванд.

Зулҳаё МИНГБОВЕВА

**ОБУНА – 2023!**  
«Миллий тикланиш» газетасига ОБУНА бўлишга қизиқсангиз...

**ҲАКИМ САТТОРИЙ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Уқинг бу қизиқ

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кура, океан тубида жами 20 миллион тонна соф олтин бор экан. Ер юзи аҳолиси эса шу кунга қадар атиги 161 тонна олтинни қазиб олишга улгурган, холос.

1908 йилда Нью-Йоркдаги оммабоп газеталарнинг бирида «Соч шампуни қандай ишлатилади?», сарлавҳаси остида мақола чоп этилган. Аини уша даврларда одамлар сочларини шампунда қандай ювиш мумкинлиги ҳақида билмас эдилар.

Европа мамлакатлари орасида Британияда энг кўп семизлик даражаси кузатилади. Ҳар туртинчи одамдан бири семизликдан қийналади.

Америкада ўқувчиларни қўлда ёзишга ургатишмайди. Балки улар фақат компьютерда ёзишга ургатилади.



А.К. га

Очларнинг очлиги фожиа,  
Тўқларнинг тўқлиги фожиа,  
Ора йўл сиёсат, сиёсат,  
Қолгани ҳамма гап ноҳуя.

Сен олам кезасан ичингда,  
Ғарқ бўлар оламлар ичингда,  
Адолат йиқилса, инграса,  
Қўдратлар туюсан кучингда.

Ҳақ сўзни айтмоқлик жасорат,  
Ахир ҳақ Ҳақдан-ку иноят,  
Пешволар адашса йўлидан  
Жим турмоқ жиноят, жиноят!

Йўқларнинг зорлиги фожиа,  
Борларнинг хорлиги фожиа,  
Ора йўл йўлбозлик, сўзбозлик,  
Дунёси торлиги фожиа!

Сел келса уммондек туриб бер,  
Меҳрга осмондек туриб бер,  
Эл деган элда ҳеч хор бўлмас  
Найзага қалқондек туриб бер!

Миллатнинг байроғи биладда,  
Ҳар жафо, ҳар вафо тилакда,  
Ватанин севмоқлик тилдамас,  
Оташин юракда, юракда!

Сен кезган тафаккур гулласин,  
Диёнат, фасоҳат куйласин,  
Ғоялар тоғ каби юксалиб,  
Сен ҳақда тарихга сўйласин!

Миллат бўлса, байроқ топилир,  
Кўтаргувчи билак топилир.  
Виждон урса қалб ичра тугён,  
Ватан, деган юрак топилир!

Элни деган, энгашиб қолмас,  
Дониш киши кенгашиб толмас.  
Ватан, деган, ватан бўлажак,  
Суюда чўкмас, ҳеч ўтда ёнмас!

Ватан борки, соғинч сўзи – ғам,  
Юрт деганда кўзларида нам,  
Сен бошимда порлаган кўёш,  
Эй, мушфиқим, муштипар онам!

Қайтар бугун азалий шуқуҳ,  
Қайтар гурур, о, покиза руҳ,  
Қадри баланд бўлса гар одам,  
Қадар бўлар бошидаги туг!

Момо замин, о, бобо тупроқ,  
Вужудимни титратган титроқ,  
Сени билсанг, кўзимдай севдим,  
Киприкларим очмоқда япроқ!

Томиримда оққан қоним, сен,  
Миллат туққан, онам – шоним, сен,  
Дунёларга даҳолар берган,  
Аёл бошим, қирқда жоним, сен!

Ташлаб кетма  
Бир кун ҳам мени,  
ёстигимга тушлар тўлади.  
ёлғиз аёл тўшакларига,  
туҳмат қираб, ёлгон қиради.  
Ташлаб кетма  
бир сония ҳам  
руҳим учар, хушим тинади.  
Азал-аввал берган қовурганг,  
минг майишиб, минг бир синади.  
Ташлаб кетсанг,  
дунёлар вайрон,  
бойғўллар инлар қуради.  
ёлғиз аёл эркаксиз жангда  
тирик туриб ўлмай ўлади.

«У ЗОТ БИЗГА ЁЗГАНИДАН БОШҚАСИ БЎЛМАСЛИГИГА ИШОНАМАН»

Бир куни эр-хотин денгиз сафарига чиқшиди. Кема бир неча кун тинч сузгач, денгизда кучли довул бошланди. Довул шу қадар кучли эдики, ҳатто улкан кемани ҳам ағдариб юборай деди. Унинг устига шамол таъсирида пайдо бўлган денгиз тўлқинлари кишида ваҳима уйғотарди. Кеманинг ичига ҳам анча миқдорда сув кирди. Кемадаги барча йўловчилар орасида саросима, кўркүв кучайди. Бу кўркүв ҳатто кема капитани ва барча ходимларни ҳам қамраб олди. Эри билан сафарга чиққан хотин нима қилишини билмай, ўзини тутиб тура олмай, бор овози билан кичкира бошлади.

Юрганича эрининг олдига келди. Шояд эри бу муаммога бирор ечим топса! Бориб қараса, эри одатдагидек, хотиржам ўтирарди. Бу ҳолатни кўрган хотиннинг баттар ғазаби қайнади, эрини совуққонлик ва беларволикда айблади. Эр хотинига қўшларини чимириб, кўзлари ғазабга тўлган ҳолда назар солди ва ханжарини қинидан суғуриб, хотинининг кўксига тиради-да, жиддий оҳангда, баланд овозда сўради:  
– Ханжардан кўркүмайсанми?  
Хотин эрига узоқ қараб турди-да, хотиржамлик билан:

– Йўқ, – деди.  
– Нега? деб сўради эри.  
– Чунки ханжар ўзим қаттиқ ишонадиган ва яхши кўрадиган кишининг кўлида турибди, деб жавоб берди хотини.  
Бу гапларни эшитган эр табассум қилди ва хотинига: "Мен ҳам худди шундайман. Бу мавжлар ва шамолнинг ҳаракатга келиши Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлади. Мен эса Аллоҳ таолони яхши кўраман ва У Зот бизга ёзганидан бошқаси бўлмаслигига ишонаман" деди.

Нафиса РУСТАМОВА тайёрлади.

СТАЛИН БИЛАН ГИТЛЕРНИНГ ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВИ ВА УЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТНИ ПОЛЬША МУЗЕЙИДА КЎРДИМ!

Улар ўртасида аввалдан Польшани бўлиб олиш тўғрисидаги битим бўлган экан! Бизга эса бу ҳақда салкам 80 йилдан кейин маълум бўляпти.  
Қайд этилишича, Гитлер битимни бузгач, дунёдаги мувозанат бузилган ва бу Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлган. Дунёни бўлиб олиш режасида Германия, СССР, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Эрон каби давлатлар қатнашганини ҳам таъкидлаш жоиз.  
Тарихчиларнинг фикрича, ҳар юз йилда бундай геосиёсий уйинлар содир бўлиши анъанавга айланган.  
Бунинг сабаби гигант давлатлар инқирозга юз тутатганда, кўпинча, бу ҳолатни уруш билан ҳал қилишга ҳаракат қилишга уринадилар.

Уруш эса қайсидир маънода голиб давлат иқтисодиётини тиклайди. Аммо минг афсуски, ҳар қандай уруш маънавий мажруҳликка олиб келадики, бунда энг ёмони аҳолининг маълум бир қатлами қурбон қилинади.  
Бошқача айтганда, қандай йўл билан бўлсада, йирик давлатлар ўз қудратини урушлар эвазига сақлаб қолишга интилиб келганлар.  
Яна бир муҳим далил: урушлар учун бекиёс миқдорда пул сарфланади.  
Афсуски, одамлар бу маблағни илмга сарфлаганларида эди, урушларсиз ҳам мамлакатлар ўз қудратларини сақлаб қолган бўлур эди...



Дилдора ҲАСАНОВА, журналист.

Қутлов!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Юртимиздаги барча устозларни 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар кунини табриклайди. Машаққатли ва шарафли касбингиз ривожидида омадлар тилаб, ҳамиша оилангиз ва яқинларингиз ҳамда шогирдларингиз бахтига соғ ва саломат бўлишингизни яратгандан сўраб қолади. Сизнинг юксак билимингиз ва салоҳиятингиз олдида кун-у тун таъзимдамиз.



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,  
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррирлар:**  
Раъшан МАХМУДОВ, Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ  
**Нашр учун масъул:**  
Маммуристон ЮЛДОШЕВ  
**Навбатчи:**  
Вилоятхон ШОДИЕВА  
**Дизайн гуруҳи:**  
Асилбек ҚУДРАТОВ, Лазиз МЕЙЛИКОВ, Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-маъбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтаининг чоршанба кунини чиқади.

Адади – 5 057.  
Газетанинг баҳоноси келишилган нархда.  
Қоғоз бичими: 350х587. Ҳажми: 4 босма табоқ  
Буюртма – 916  
Босишга топириш вақти 21.00.  
Топириш вақти 3:15

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru ISSN 2010-7714